250196

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

O'ZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1996 йил 20 январь, шанба. №9. (21.930). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

МОСКВА. 18 январь. (ЎзА махсус мухбири Амирқул Карим хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага келди.

Шу куни мамлакатимиз Президенти Кремлда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан учрашди.

Икки Президентнинг МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси олдидан бўлиб ўтган суҳбатида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

МДҲ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

МОСКВА. 19 январь. (ЎзА махсус мухбири Амирқул Карим хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ерда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашди.

Дастлаб Катта Кремль саройининг Екатерина залида бошланган МДҲ мамлакатлари раҳбарлари кенгашининг мажлиси ўз ишини кенгайтирилган таркибда Георгий залида давом эттирди.

Кенгаш мажлисида божхона иттифоқини шакллантириш истиқболи, ҳамдўстлик мамлакатларининг конгрессини ўтказиш, ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш концепциялари лойиҳалари ҳамда бошқа кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 январь куни Москвадан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

Қонун ва шарҳ

ИМТИЁЗЛИ ИМКОНИЯТ

Кейинги йилларда мамлакатимиз миқёсида кичик ва хусусий тадбиркорлик борасида маълум ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, лекин унинг ривожланиш суръатлари бизни қониқтирмаётганлиги ҳаммага аён эди. Ана шу жараённинг ривожланиш суръатларини жадаллаштириш мақсадида мамлакатимизда яна бир қадам ташланди. Гап шундаки, яқинда бўлиб ўтган сессияда республикамиз Олий Мажлиси мамлакатимизда бозор муносабатларини янада ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олиши мумкин бўлган яна бир қонунни қабул қилди. Биз бу ўринда «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонунни назарда тутаётирмиз. Албатта, бир мақола доирасида бу қонуннинг ҳар бир жиҳати устида батафсил тўхталиб ўтишнинг сира ҳам иложи йўқ. Шу боисдан биз бу ерда қабул қилинган қонуннинг фақатгина бир жиҳати — молиявий йўналиши устида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Маълумки, у ёки бу фаолият турини рағбатлантириш тўғрисида гап кетар экан, улар орасида молиявий жиҳатдан рағбатлантириш асосий ўринни эгаллайди. Чунки рағбатлантириш қайси шаклда амалга оширилишидан қатъий назар у молиявий жиҳатдан таъминлаган бўлсагина ўз вазифасини муваффақиятли бажара олади.

Хўш, янгидан қабул қилинган қонун кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришда молиявий жиҳатдан қандай реал имкониятлар яратиш имконини бераётир?

Бизнинг назаримизда, бу молиявий имкониятларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

биринчидан, қонунда маҳаллий ҳукумат органлари ўзларининг ваколатлари доирасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар ўрнатиши мумкинлиги кўзда тутилаётир. Қонунда кўзда тутилган бу имкониятнинг асл моҳиятини, энг аввало, маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари тўғри тушунмоқлари керак. Ҳужжатда акс эттирилган бу ҳолатни раҳбарларимиз яна бизни манфаатларимизга тескари йўл тутилибди, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича тадбиркорларимизга имтиёз берадиган бўлсак, маҳаллий бюджетга бориб тушувчи даромадларнинг миқдори камаяди, бунинг ҳаммаси, оқибатда, маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий жиҳатдан заифлашувига олиб келади-ку, деб юзаки хулоса чиқармасликлари даркор. Албатта, сиртдан қараганда, тадбиркорларимизга бу тарздаги имтиёзларнинг берилиши маҳаллий бюджетларнинг манфаатига зид экандек туюлади. Ва бу нарса ҳақиқатдан ҳам ҳудди шундай бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Ҳудди шу ўринда қонунда кўрсатилган тартибни ҳаётга тўғри татбиқ этиш ва яхши натижаларга эришиш кўп жиҳатдан раҳбар ходимларимизга боғлиқ. Ақлли, билимдон маҳаллий ҳукумат вакили бу ерда ҳамма тадбиркорларга бир хил муносабатда бўлмаслиги керак. Бокимандалик кайфиятида бўлган «тадбиркор» қонунда белгиланган бу имтиёздан умид қилмаслиги лозим. Бу имтиёзни маҳаллий ҳукумат органлари шундай тадбиркорларга беришлари лозимки, улар ўзларининг иш фаолиятида шу имтиёздан фойдаланиб юқори даромадга эга бўлсинлар (жумладан, маҳаллий солиқ ва йиғимларни кам тўлаганликлари ёки умуман тўламаганликлари ҳисобидан ҳам) ва даромадлари ҳисобидан тўланадиган солиқлар маҳаллий солиқ ва йиғимлар бўйича берилган имтиёзларни қоплаш ва пировардида, маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий жиҳатдан бақувватлашувига олиб келсин. Ана шундай натижага эришилгандагина маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва тадбиркорларимиз «қарс икки қўлдан чиқади», деган халқ мақолининг асл маъносини амалда яна бир марта тасдиқлаган бўлур эдилар.

Иккинчидан, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши тегишли давлат ва ҳудудий дастурларга мувофиқ амалга оширилиб, бу дастурлар, ўз навбатида, тегишли манбалар (халқаро дастурлар бўйича жалб этилган маблағлар, хусусий ва бошқалар) билан молиявий жиҳатдан таъминланаётир.

Учинчидан, бу соҳадаги ишларни муваффақиятли амалга оширишда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондларига алоҳида эътибор берилаётир. Қонунда бу фондларнинг қайси молиявий манбалар ҳисобидан шаклланиши мумкинлиги ва уларнинг қандай мақсадларга мўлжалланганлиги аниқ кўрсатилган.

Тўртинчидан, қонунда кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга нисбатан солиқ қонунчилигининг маълум даврга қадар ўзгармаслиги ёки барқарорлиги маълум маънода кафолатланаётир.

Энди фаолиятнинг шу тури билан шуғулланувчилар солиқ қонунчилигидаги ҳозирги пайтда мавжуд бўлган нобарқарорликдан хавфсирамасалар бўлади. Чунки Олий Мажлис томонидан қабул қилинган бу янги қонунга кўра, борди-ю солиқ қонунчилигининг ўзгариши натижасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан ноқулай вазият вужудга келса, улар навбатдаги икки йил давомида ўзлари давлат қайдидан ўтган вақтларида амалда булган солиқ қонунларига мувофиқ солиққа тортилаверадилар.

Бешинчидан, бошқа субъектларга нисбатан кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга тезлаштирилган амортизация услубини қўллаш имкониятининг берилиши, айниқса, диққатга сазовордир. Энди улар ўзларига тегишли бўлган асосий фондларини замон талабига мослаб тезроқ алмаштиришнинг реал имкониятига эга бўлаётирлар.

Олтинчидан, имтиёзли тарзда кредитлаштириш, суғурталаштириш ва ўзаро кредитлаштириш жамиятини ташкил қилиш тўғрисидаги имкониятларнинг берилиши ҳам алоҳида аҳамиятга молликдир.

Биз юқорида янги қабул қилинган қонун молиявий жиҳатларининг асосийлари устида қисқа тарзда тўхталиб ўтдик, холос.

Кўриниб турибдики, қонунда кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга нисбатан молиявий тавсифга эга бўлган жуда кўп реал имкониятлар яратилган. Эндиги навбат ана шу реал имкониятлардан оқилона ва уддабуронлик билан фойдаланишда. Бунинг учун, даставвал, бизнинг тадбиркорларимиз қонунда кўзда тутилган реал молиявий имкониятларнинг асл маъносини тўғри тушунмоқлари лозим. Берилган имтиёзлар ва имкониятлар тадбиркорларимизда зинҳор ва зинҳор боқимандалик кайфиятини туғдирмаслиги керак.

Тадбиркорларимиз берилаётган имтиёзлар ва рағбатлантиришлар ўз чегарасига эга эканлигини ҳам қалбдан ҳис этмоқлари даркор. Рағбатлантиришлар давлат томонидан қонун йўли билан ўзига хос равишда кафолатланганидан сўнг ишбилармонларимиз шунга мос равишда ҳаракат қилсалар ёки миннатдорчилик билдирсалар, бизнингча, айни муддао бўлур эди. Шу уринда биз, «ҳаракат қилсалар» ва «миннатдорчилик билдирсалар» деган ибораларни ишлатаётиб қуйидагиларни назарда тутаётирмиз: берилган имтиёзлар ва рағбатлантириш шаклларидан фойдаланиш орқали кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар шундай кўрсаткичларга эришсинларки, оқибатда, бу субъектларнинг рентабеллилик даражаси энг юқори бўлсин, уларнинг аҳволи молиявий жиҳатдан барқарор бўлсин, улар давлат бюджети, тижорат банклари, суғурта компаниялари ва бошқалар олдидаги ўз мажбуриятларини очиқ юз билан ўз вақтида адо этсинлар.

Хуллас, ишбилармонларимиз уларга берилган реал молиявий имкониятлардан максимал равишда фойдаланиб, ўзларининг фаолиятларини шундай тарзда ташкил қилишлари лозимки, пировардида, унинг натижаси фақатгина тадбиркорнинг манфаатларига мос келибгина қолмасдан, балки халқимиз ва давлатимизнинг ҳам манфаатларига мос келсин. Фақат шундай бўлган тақдирдагина биз Олий Мажлисимиз қабул қилган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонун ўз мақсадига эришди, дея олишга ҳақлимиз.

Тоҳир МАЛИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Молия, кредит ва валюта муносабатлари» кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Кўрик -танлов

«ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МАНИМ»

ЖИЗЗАХ вилоятида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Абдусаттор Абдулатиповнинг ва туман ҳокимлари муовинларининг жойларда олиб борилаётган кўрик-танлов ҳақидаги ахборотлари тингланди. «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик-танлови вилоят қўмитаси раисининг муовини Файзиқул Зокиров жойларда кўрик-танловни ўтказиш тартиби ва унинг Низоми билан йиғилганларни батафсил таништирди.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

Савдо хизмати

«СОРБОН»ДА АНЧА АРЗОН

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Вилоятнинг 22 жойида Урганч «Сорбон» савдо-ишлаб чиқариш базасига қарашли дўконларда харидорларга қулайликлар яратилган.

«Сорбон»га қарашли дўконларга одамларнинг тез-тез келишининг яна бир сабаби бор. Боиси, бу ерда турли маҳсулотлар бошқа жойдагига нисбатан 20-25 фоиз арзонга сотилмоқда. Бозор иқтисодиётига кириб борилаётган ҳозирги шароитда харидорлар талабини яхши ўрганган сорбончилар зарар кўришмаяпти. Ойига 1,5 миллион сўмлик савдо қилинмоқда.

Курбон МУҲАММАДРИЗО.

Эл дастурхонига

РОМИТАН МАКАРОНИ

БУХОРО (мухбиримиздан). Ромитан тумани савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятининг нон комбинатида макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Чоғроқ бир цехда кунига 300 килограмм макарон маҳсулотлари тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда. Яқин келажакда эса ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун корхонада имкониятлар етарли.

Даврон БАҲРОНОВ.

Қонликўл тумани сув хўжалиги бирлашмаси тумандаги хўжаликларнинг далаларига сув чиқариш ва ирригация тармоқларини тозалаш билан шуғулланади. Бундан ташқари турли иншоотларни таъмирлаш ҳам бирлашманинг зарурий ишига айланиб қолган.

Бирлашмада 250 киши меҳнат қилади. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 170 гектар майдонга эга бўлган ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бу ерда сабзавот, полиз экинлари ҳамда маҳаллий ферма учун озуқа етиштирилади. Бундан ташқари бирлашма қошида гишт, гилам, мебель цехлари ва тегирмон ишлаб турибди. Шу боис бирлашмада иш унумдорлиги кўтарилиб бормоқда.

СУРАТДА: сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Оралбой Сарсенбоев гиламдўзлар ишини кўздан кечирмоқда.

А.МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Сурхондарёда гуруч қимматлашди-ю шоли етиштириш камая бошлади

Ўтган икки йил ичида вилоятда шоли етиштириш икки ярим баробарга, тайёрлаш эса уч баробарга камайиб кетди, нега?

1995 йилги «башоратлар» кўнгилли, ҳатто қувонарли эди. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси мутахассислари, масалан, ҳосил ўрим-йиғими олдидан вилоят шоликорлари гектаридан 35 центнердан ҳосил олишади, деб берган хулосасидан кўпгина идорадагилар хурсанд бўлишганди. Бу хулосадан илҳомланибми, телевизорчилар ҳам шоли ўрими авжига чиқиб турган паллаларни суратга олишди. Вилоятда 30 минг тоннага яқин шоли бўлади, деган гапларни элга овоза қилишди. Бу ҳақда илгари ёзгандик ҳам.

Ҳозир одамлар, масалан, Ньютоннинг кашфиётларига ҳам шубҳа билан қарашлари мумкин. Лекин, телевизор нима деса шунга тўла ишонгандай бўлишади. Шундай қилиб денг «башорат»лардан одамлар таскин олгандай, яъни, бозорда гуручнинг нархи тушишига шубҳа қилмагандай бўлишувди.

Ана энди, ғалвир сувдан кўтарилгандан кейинги ҳолатни кўринг: вилоят бўйича етиштирилган шоли 12117 тонна?! Шундан сотилгани — 7252 тонна. Ҳосилдорлик илгариги ҳисоб-китобдан 15,7 центнерга паст. Айниқса, зиммасига 20 минг тонна шоли сотишдек мажбурият олган Музробот тумани шоликорлари режаларнинг, давлат буюртмасининг пачавасини чиқариб юборишди. Туман агросаноат уюшмаси бош агрономи Худойназар Қурбонов маълумотларга қараб қуйидагиларни маълум қилди: туманнинг учта хўжалигида 6137 гектар ерга шоли экилди. Шунинг 5474 гектари ўриб олинди. Шоли етиштириш режаси 44,8 фоизга сотиш — 34,1 фоизга бажарилди, тамом.

Энди, газетхонларни нуфузли

Мухбиримиз бонг уради

бир гуруҳнинг Музроботдаги шолига тааллуқли бир ҳужжати мазмуни билан хабардор қилиб қўйсак. 1995 йил 10 ноябрь куни ёзилган ва «далолатнома» деб аталган бу қоғозга 1995 йилда иссиқлик (ҳарорат) жуда юқори бўлганлиги, шолини озиқлантириш кеч ўтказилганлиги ва натижада шоли ҳосили пучга тортиб кетганлиги ва шунинг учун ҳам Ат-Термизий номли жамоа хўжалиги хирмонидаги 927 тонна, «Бешқўтон» хўжалиги хирмонидаги 620 тонна шоли пучлиги туфайли чиқиндига чиққанлиги, демак жами 1547 тонна шолини шу асосга кўра чиқим қилиш лозимлиги ҳужжатлаштирилган. Бу хулосани лаборатория текшируви ҳам тасдиқлайди. Бу хулосага кафил бўлиб вилоят «Қишлоқкимёхизмат» бирлашмаси раисининг биринчи муовини, вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси бўлим мудири, хўжаликларнинг раисларию ва бошқа мудирлар имзо чекишган. Демак, биз ҳам хулосани асоссиз, деб айта олмаймиз. Лекин ўрим олдидан 35 центнерлик чама-хулосани қилган мутхассислар нега уша пайтда шолининг пучга тортиб кетганини пайқашмади? Ахир, иссиқлик (ҳарорат)нинг жуда юқори бўлгани ва экин вақтида озиқлантирилмагани ўшандаёқ уларга аён эди-ку. Бир мутахассиснинг ўзи, масалан, бир борганида ҳосил фаровон экан, деб қарсак чалиб келса-ю, орадан кўп вақт ўтмай иккинчи марта бориб, биз айтган мўл ҳосил аслида пуч экан деб, сўзидан қайтиб ўтирса, унинг энди қайси гапига ишониш керак?!

Бошқа туманларнинг шоликорлари билан ҳам гаплашдим. Музроботдаги 1547 тонна чиқинди шоли ҳақида эшитганларнинг айримлари, бу соҳада бунақаси илгари бўлмагандику, дегандай ёқа ушлашди. Айримлари бўлса, бу тажрибани биз билмапмиз-да, соддалик қилипмиз-да, билганимизда биз ҳам унча-мунча шолини чиқиндига акт қилармидик, деб қулишди. Лекин, ҳаммасидан кура менга Қумқўргондаги Шароф Мирзаев номли жамоа хўжалигининг ижарадор шоликори Пардаев Мели аканинг гапи ёкди. Мели ака шартномани бажарипти. Узига унча-мунча шоли қолипти. Гектаридан 45 центнер нари берисида ҳосил олипти. Демак...

Дарвоқе, Музроботда ҳам 40-45 центнердан ҳосил олганлар йўқ эмас. Айтмоқчиманки, деҳқонлар (шоликорлар) дангаса бўлиб қоляпти, деган гапга мутлақо ўрин йўқ. Улар ишлайдилар. Ишлаяптилар. Фақат таъминоту ташкилотчилик бўлса. Маошларини ваткида олиб туришса, манфаатдорлик ортса...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маърифат

ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖ

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Алишер Навоий номидаги Давлат дорилфунунида иқтидорли ёшларга мўлжалланган лицей-интернат очилди.

Мактабларнинг 9-10 синфларида таҳсил кўраётган 100 нафар йигит-қиз тест синови асосида танлаб олинди. Улар мактаб дастурини ўзлаштириш билан бирга аниқ ва ижтимоий фанлар бўйича дорилфунун ўқитувчиларидан қўшимча таълим оладилар. Инглиз тилини ўрганадилар. «Ҳар икки ойда ёшларни синовдан ўтказиб турамиз, — дейди ректор ўринбосари М. Нушаров. — Лицей талабалари ётоқхона ва иссиқ овқат билан таъминланадилар». Дорилфунунда шунингдек, ихтисослашган коллеж очиш ҳам мўлжалланмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

Мамлакатимизда

Қулайлик

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ЯХШИЛАНАДИ

СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоятда Жанубий Кореянинг «ДЭУ телеком» корпорацияси билан ҳамкорликда вужудга келтирилган телефон станцияси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

40 минг телефон номерига эга бўлган 17 та электрон алоқа станциясида созлаш ишлари мўлжалдан илгари якунланди. Энди Гулистон, Янгиер, Ширин, Сирдарё ва Бахт каби шаҳарлар ягона телефон тармоғига бирлашади. Узоқни яқин қилувчи бундай беминнат хизматни яхши йўлга қўйилаётганидан аҳоли мамнун. Бу ишларда кореялик мутахассислар яқиндан ёрдам кўрсатишди. Вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бош муҳандиси Соҳиб Умаровнинг таъкидлашича, йил охирига қадар Гулистонда телефон абонентлари яна 3,5 мингтага, вилоят бўйича эса 8 мингтага кўпайтирилар экан.

Абдужалил УМАРОВ.

Тафаккур кўзгуси

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАҲЛИЛИ

Ватанимиз мустақилликка эришган тўрт-беш йил орасида тўпланган тарихий тажрибамиз ўз аҳамияти билан нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳонда ҳам давлат арбоблари ва ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, ҳаракатлар ҳамда тамойиллар раҳбарларининг диққатини ўзига тортмоқда. Марказий Осиёнинг жуғрофий, иқтисодий ва маданий ўзагини ташкил этган Ўзбекистонда мўъжиза деб аташга арзирли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу улкан ўзгаришларнинг манбалари қаерда, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш вазифасини ўз зиммасига олган қалам соҳибларидан улкан тафаккур талаб этилади, албатта. Шундай масъулиятли ишни публицист Нарзулла Жўраев[1] бажаришга журъат этган.

Туб ўзгаришлар даври тўғрисида асар ёзиш гоят мураккаб. Муаллиф, бизнингча, бу вазифанинг уддасидан чиққан, яъни Ўзбекистонда 1991—95 йилларда содир бўлган туб ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг холисона таҳлилини бера олган.

Ўтган беш йилликни таҳлил этишдаги энг қийин вазифа, фикримизча, ўзгариш ва жарёнларнинг асл моҳиятини тушуниш ва тўғри асослай олиш эди. Чунки, бундай вазиятда кўпчилик муаллифлар умум қабул қилинган мезонлар, тушунчалар ва тамойиллар таъсирида бўладилар. Улардан четга чиқа олмайдилар. Мазкур китобда эса бутунлай бошқа манзара ва ёндашишни кўрамиз. Ўз тарихий ўрнини оқламаган ва инсониятнинг талай қисмини иқтисодий ҳамда маънавий бўҳронга мубтало этган ижтимоий тузум ва ҳукмрон мафкурадан янги тузум ва янги мафкурага ўтишда кейинги асрларда жаҳон тарихида биринчи марта бутун бир давлат, бутун бир жамият ўзига хос тарзда йўл танлади. У Ғарб андозаларига сиғинмади. Балки бу андозаларнинг энг илғор, энг мақбул жиҳатлари билан асрлар давомида шаклланган Шарқ тараққиёт қоидалари ва услубларини уйғунлаштириб, бутунлай янги шакл ва янги мазмундаги давлатчиликка асос солди.

Китобда шахс ва жамият муаммолари, шахснинг тарихда тутган ўрни масаласи ҳар томонлама чуқур таҳлил этилади. Китобни диққат билан ўқир эканмиз, халқимиз, Ўзбекистонимиз ривожланишида юртбошимизнинг шахси улкан аҳамият касб этганини кўради. Ўтган йилларда у моҳир дарға каби Ватанимизни ижтимоий пўртаналардан бешикаст, безиён олиб ўтди. Буни муаллиф асосли далиллар, ҳаётий мулоҳазалар билан исботлади.

Бу тўғрида китобда жуда кўп ёркин мисоллар келтирилган. Уларнинг ҳаммасини умумлаштирганда, қуйидаги омилларга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Президентимиз ўтмишнинг мудҳиш томонларини танқид қилиш билан чекланмади. Унинг ибратли томонларини асраш билан бирга келажакни, истиқболни, Ўзбекистонни юксалтириш, тиклаш, кўтариш йўлларини ўйлади. Унинг янги иқтисодий алоқаларнинг моҳияти ва уларга ўтиш тўғрисидаги беш тамойили бутун жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортди. Ўтмиш бизнинг онгимизга узоқ йиллар давомида сингдириб келган умумназарий қоида ва ақидалардан кескин равишда воз кечиб, Ўзбекистон Шарқ мамлакати эканлигини, ўзбек халқи асрлар давомида Шарқ фалсафаси ва Шарқ анъаналари асосида фикр юритганини, ҳаётни тушунганини, инсоний муносабатларни талқин этганлиги ва шу боисдан келажакка умид билан боққанини ва бу табиий эканлигини мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий ривожланиши кўрсатиб турибди. Ўтган йиллар амалиёти шуни кўрсатадики, Шарқ фалсафаси, турмуш тарзи, қоида ва анъаналарига суяниш ўзбек халқига ўтмиш тузум шароитларида жуда етишмай турган хусусият бўлиб, халқимиз бу ғояларга ғоятда чанқоқ экан.

Демократия кўпчиликнинг манфаатини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётини оқилона, фуқароларга энг қулай равишда ташкил этиш демакдир. Аммо, демократияни жиловсиз бош-бошдоқлик деб тушунадиганлар ва шундай вазиятни яратишга интилганлар ҳам жамиятда кам эмас. Бу масалани муаллиф ҳаёт ҳақиқати ва халқ дунёқарашидан келиб чиқиб, уни жаҳон демократик жараёнларининг бориши билан боғланган ҳолда чуқур мантиқий фикрларни ўртага ташлайди, уни фалсафий жиҳатдан таҳлил этади.

Китобни варақлар эканмиз, унда маҳалла масаласига муносиб ўрин ажратилганини кўрамиз. Маҳаллаларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, уларни давлат раҳбарияти билан аҳолини боғлаб турувчи амалий воситаларга айлантириш бизнинг пировард мақсадимиздир. Маҳалла ҳар бир инсон учун Ватаннинг бошланиши. Афсуски, узоқ йиллар давомида ҳокимият ва расмий маъмурият маҳаллаларнинг катта куч эканидан кўз юмди, уларга сунъий асосда яратилган шўролар — советларни қарши қўйди.

Китобда кўтарилган яна бир масала Ўзбекистон ва ўзбек халқи тарихига киритилган муҳим ўзгаришлардир. Шўро тузуми йилларида тарихий ҳокимият бир ёқлама ўрганилди. Бу жараённинг фожиали томони шундан иборат эдики, у тарихни холисона ёритиш эмас, балки уни ҳукмрон мафкура талабларига бўйсундириб, онгли равишда бузиш ва чалкаштириш эди. Шу жумладан, халқимизнинг улуғ фарзанди, буюк саркарда, ташкилотчи, маданият ва маърифат ҳомийси Амир Темур шахси кечириб бўлмас даражада бузиб кўрсатилди.

Нарзулла Жўраевнинг китоби ҳақида, унинг мазмуни тўғрисида яна кўп сўзлаш мумкин. Зеро, китобда таҳлил этилган масалаларнинг ўзи ҳаётдек ҳаққоний. Муаллиф Миллий мустақиллик мафкураси масаласига катта эътибор қаратган. Президентимиз раҳбарлигида янги даврнинг янги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, халқ оммасини буюк ва жасурона ишларга сафарбар этадиган Миллий истиқлол мафкураси яратилди. Унинг атрофида миллионлар жипслашди. Навбатдаги вазифаларимиздан бири миллатимизнинг ҳар бир вакили ана шу Миллий истиқлол ҳиссини, тушунчасини, ғоясини ўзлаштириб олишига эришишдир.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, миллий ифтихор ва миллий мансублик билан ғурурланиш ҳисси, ягона макон ва ягона хонадон тақдири тушунчалари билан уйғунлашиб кетган.

Албатта, мамлакатимизда юргизилаётган иқтисодий саёсат алоҳида таҳлилга арзирли мавзу. Бу сиёсатнинг қатъият ва изчиллик билан амалга оширилиши натижасида 1996 йилга Ўзбекистон яхши кўрсаткичлар билан келди ва тўрт йилдан ортиқ давр ичида амалга оширилган тадбирлар бу борада ўз натижаларини бериб, давлатимизнинг юксалиш йўлига ўтишига имкон яратди.

Биз бу фикр ва мулоҳазаларимизга якун ясаб, мазкур китоб муаллифи, публицист Нарзулла Жўраевга китобхон сифатида миннатдорчилигимизни билдирамиз. Чунки, у ниҳоятда муҳим ва мураккаб мавзуга биринчи бўлиб қўл урди. Халқимиз кўпдан кутаётган қимматли рисолани ёзиб, бизга тақдим этди. Ушбу китоб мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатни, ҳукуматимиз юргизаётган ички ва ташқи сиёсатни тушунишда ўқувчиларга яқиндан ёрдам беради.

Қўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори.

1. Нарзулла ЖЎРАЕВ. «Юксалиш», Тошкент, «Ўзбекистон» 1995.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми олдидан

ЙИҒИЛИШДА АЙТИЛГАН ТАКЛИФ

«Чимбой» бўрдоқичилик жамоа хўжалиги Чимбой туманидагина эмас, Қорақалпоғистон Республикасидаги йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Хўжалик партия фаолларидан — чорвадорлар Ниетбой Мамбеткаримовга 1400 бош, тажрибали зоотехник Парохат Ережеповга 1100 бош новвос биркитилган. Улар боқувидаги ҳар бир новвоснинг кунлик семириши 520—560 граммга тўғри келяпти.

Хўжалик партия аъзоларининг ишчанлигини, ташаббускорлигини ошириш мақсадида тез-тез очиқ партия йиғилишлари ўтказиб турилади. Шундай йиғилишлардан бирида бош зоотехник Т. Содиқовнинг гўшт етиштиришни кўпайтиришда қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Йиғилишда чорвачиликдаги муҳим муаммолардан бири — тирик вазндаги гўштнинг таннархи жуда паст эканлиги айтилди. Жамоа хўжалигида гўштга топширилаётган қорамолнинг бир килограмм тирик вазнига 15 сўмдан тўланаётгани, ваҳолонки, бир килограмм автоёнилғи учун 13 сўм сарфланаётгани хусусида мулоҳазалар билдирилди. Кунжара, омухта ем, ва бошқа озуқаларнинг харажатини ёнилғи ҳисобига қўшганда, даромад билан буромад баравар келиб қолмоқда.

Чорвачиликдаги бундай нохуш аҳвол борасида тегишли ташкилотлар, мутасадди раҳбарлар жиддий ўйлаб кўришса, чорвадорларнинг ўз меҳнатларидан манфаатдорликлари ошса, халқимиз дастурхони ноз-неъматлар билан бойишига ҳисса қўшилган бўлур эди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОТИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Партиямиз негизи — бошланғич ташкилотлардир. Амалдаги қонунларга хилоф бўлмаган, партия аъзолари ишлайдиган жойларда — заводлар, фабрикалар ва бошқа ҳар хил корхоналарда партия аъзоларини бирлаштирадиган бошланғич ташкилотлар тузилиб, улар партия Дастури ва Низомидан келиб чиққан ҳолда партия ғояларини кенг халқ оммасига етказадилар. Партия аъзолари ўртасида бевосита иш олиб борадилар.

Партия аъзолари билан яқиндан танишиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ролини оширишда, партия ғояларини тарғиб қилишда бошланғич ташкилотлар катта аҳамиятга эга. Бу ҳолларнинг барчаси партиянинг парламентдаги фаоллигини ошириш, сайловларда кўпроқ овоз олиш, давлат қонунлари қабул қилинишда, уларга ўзгартиришлар киритишда партия нуфузини оширишга хизмат қилади.

Кўп ҳолларда партиясиз кишилардан «Агар мен партия сафига кирсам, партия менга нима ваъда беради» ва шу каби саволларни эшитиб ҳайрон қоласан, киши. Партия аъзолигига қабул қилиш унга бирор мансабни, мавқени ваъда бериш дегани эмас. Балки унинг партияга қандай ёрдами тегади, ўзи шу партия Дастури ва Низоми билан танишми деган саволларни қўйиш ўринлироқ бўлур эди.

Бошланғич партия ташкилотларида сайлаб қўйиладиган котибнинг аввало сиёсий ижтимоий жиҳатдан етук бўлиши, омма билан тиллаша олиши муҳимдир. Бу ўринда котибнинг ахлоқий тарбияси ва ишчанлик ҳисси ўзига хос аҳамиятга эга.

Мен партия сафига қабул қилишда сон эмас, сифат керак демоқчиман. Мисол учун, ўтган йилнинг сентябрь ойида талабалар шаҳарчасида партияга кириш учун ташвиқот ишлари олиб борилиб (партия номини айтишмаган), унда «агар партия сафига кирсаларинг, шаҳар транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга бўласизлар» маъносидаги қуруқ ёлғон-ваъдалар билан биринчи курс талабаларини партия сафига қабул қилишмоқчи бўлишган. Ўша вазиятда талабалар орасида УзХДП аъзолари ҳам бўлиб, бу фикр нотўғри эканлигини очиқ-ойдин баён қилишган.

Бошланғич партия ташкилоти котибларининг вазифаларидан яна бири — бу ички партиявий ишлардир. Котиб партия аъзолари билан суҳбат чоғида туман (шаҳар) кенгашидаги ишлар хусусида, пленум ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларга тайёргарлик тўғрисида, жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида фикрлашиши, фаол партия аъзоларини туман (шаҳар) кенгашига ёки партия аъзосини партиявий мукофотлашга тавсия этиши лозим.

Ойбек НОРМИРЗАЕВ,
ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши аъзоси.

Бу дунёнинг ишлари

ЭСКИ КОСТЮМ ЧЎНТАГИДА... 1000 ДОЛЛАР

Литванинг Укмерга шаҳрида яшовчи бир фуқаронинг омади чопди. У эски кийимлар сотадиган дўкондан хорижнинг қайсидир мамлакатидан келтирилган костюмни сотиб олди. Уйига келиб кийиб кўрса, костюмнинг ички тарафида бир нарса бордай. Чокидан сўтиб кўрса, қарангки, 1000 АҚШ доллари турибди.

Бу чет элдан келтирилган эски кийимлар орасидан топилган энг катта «топилдиқ»дир. Шу пайтгача кийилган буюмлар чўнтагидан нари борса 100 доллар топилган эди, холос.

111 ЁШИДА КЎЧИБ КЕТДИ

Исроилга яқин вақттача Чеченистонда яшаган Ципора Матаева исмли кекса аёл кўчиб келди. Хўш, бунинг нимаси эътиборли дерсиз? Гап шундаки, шу йил баҳорда бу онахон 111 ёшни қаршилайди. Дарвоқе, Исроил тарихида бундай кекса кишининг биринчи марта ушбу мамлакатга кўчиб келишидир. Бироқ Ципора ая ўзини қари деб ҳисобламайди: «Мен ҳозиргача уйда у-бу юмушлар билан тиним билмайман, умримда бирор марта дори ичмаганман. Шунинг учун оилага ҳали ҳам нафим тегса ажаб эмас. Мана, ниҳоят оиламиз яна бирлашди. 74 ёшли ўғлим қучоғига келдим».

ФАРОМУШЛИК ПАНД БЕРДИ

Россиянинг Курган вилоятидаги саноат моллари дўконига тунда ўғирликка кирган кимса бу ердан анчагина молларни ўмаришга муваффақ бўлди. Ҳатто кийимлар бўлимида у барча эскиларини қолдириб, бошдан оёқ янгисини кийиб олди. Бироқ, эси паст ўғри бу ерда йиртиқ костюмини унутиб қолдирган экан. Милиционерлар костюм чўнтагини қарашса ўғрининг паспорти турибди. Шу тариқа ўғри қўлга олинди.

Иқтисодиёт олами

ИЗЛАНИШ ИШҚИДА

«Термиз сут» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлганимиз шу, деб фақат сут сизиб ўтирганда аллақачон синиши мумкин эди.

Жамоа изланди. 1995 йилнинг май ойидан айронни қайта ишлаб, казеин тайёрлай бошлади. Билсангиз, шу янгиликнинг ўзи уларга етти ойда 3 миллион сўм даромад берди.

Жой бор. Ишчи кучи етарли. Хом ашё топилади. Демак... Макарон цехи ҳам шу ғоянинг пировард натижаси бўлди.

— Кунига 150 килограмм макарон ишлаб чиқариб, уни бизга сут топшираётганларга бозор нархидан йигирма фоиз арзонига сотяпмиз, — дейди жамият раиси Ш.Бобомуродов. — Тошкентнинг илмий-тадқиқот даргоҳлари билан ҳамкорликни шакллантирмоқдамиз. Мақсад — ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

У. ОЛИМЖОНОВ.

Иқтисодиёт олами

НОН, СУТ, ОЛОВ

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Вилоятда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш, қулайликлар яратиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

«Ризқ» ҳиссадорлик жамияти новвойлари тайёрлаган маҳсулотларни Т. Мирзаев, Д. Ҳасанбоев ва Ш. Йўлдошев сингари ҳайдовчи сотувчилар Андижоннинг «Бирлик» ва «Намуна» каби маҳаллаларига элтиб, дастурхонларга бўрсилдоқ нонлар тортилишини таъминламоқдалар. Ҳозир жамиятга қарашли 35 та нон дўкони аҳоли хизматида. Шахрихон туманидаги Ойбек номли хусусий чорвачилик фермаси жамоаси эса сут топширишда салмоқли ютуқларга эришмоқда. Улар 10 кунда 10 тонна сут топширишди. Жамоа ҳар бир соғин сигир маҳсулдорлигини ошириш омилларини изламоқда. Пахтаобод туманидаги «Маданият» агрофирмасининг ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, «Дўстлик» ширкати кўпчиликни қувонтирди. Қиш-қировли кунларда 3,5 километрли газ тармоғи тикланиб, 140 хонадонда зангори олов порлашига эришилди.

А. СОЛИЕВ.

ТЎХТАНГ, ҲУЖЖАТИНГИЗ ЎТМАЙДИ

Ҳар куни эрталаб ва кечқурун жамоат транспортида ишга келамиз, уйга қайтамиз. Тўғри, баъзан кўпроқ кутилади, иш тартиблари бузилган, бирортаси тўхтаб қолган бўлади. Шунда автобуслар тиқилинч келади, биз эса асабийлашиб қоламиз. Одатда эътибор берсангиз, автобус, трамвай, тролейбусларнинг олди эшиги очишади. Чунки, ҳақ тўлаб тушиш керак — 4 сўм, 5 сўм. Лекин ҳаммамиз шундай қилмаймиз, қўлимизда қизил «книжка» бор, бошқача айтганда гувоҳнома. Шуни бирров қўлда ўйнатиб ва яна ҳўмрайиб тушиб кетамиз. Аслида, шундай қилишга ҳуқуқимиз борми? Айнан кўпчилигимизнинг ҳаққимиз йўқ. Чунки қизил гувоҳномалар вақти ўтди. Энди ўша автобусни ҳаракат мунтазамлигини таъминлаб қўйган ташкилотнинг-да ўзига яраша харажати, тушуми, хуллас, ўз ҳамёни бор. Унинг бойиб кетиши ё ғариблашиб қолиши учун ўзи жавоб беради, кунини ўзи кўриши керак.

Шу маънода қизил «книжка»ли «қуён»вой ва «хон»лар билан танишиб қўйиш, қолаверса, қолганларга ҳам таништириш ниятида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг бир гуруҳ мутасаддилари билан бирга навбатдаги ўзига хос «тозалаш» тадбирига гувоҳ бўлдик. Буни балки йўловчиларни сохта ҳуқуқларини созлаш деса ҳам бўлади.

«Пахтакор» автошоҳбекати. Эрталабки соат 8.30. Айни ҳамма ишга кетаётган пайт. Биз эса секин текширувчилар «қармоғи»га тушганларни рўйхатга ола бошлаймиз:

Шопўлатов Қодир Аъзамович, нафақадаги бу ахахонимизнинг кўрсатган гувоҳномалари бепул юриш ҳуқуқини бермайди, албатта. У киши эса «бизга мумкин дейишган» дея изоҳ берадилар.

«Ўзбекистон овози» рейди

Билалова Фарида суд медицина-экспертиза бюросида хизмат қиларкан. Ўзини прокурор маҳкамаси хизматчисиман, дея таништириб, гувоҳномани тутқазди. Унда рус тилида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилдаги тегишли қарорига биноан шаҳар транспортида бепул юриш ҳуқуқи берилгани ёзилган эди.

Келинг, масалани ойдинлаштириб олайлик. Аввало, гувоҳномага шундай битикларни битиб қўяётган ташкилот ва идоралар раҳбарлари яхшилаб қонун-қоидаларни қайта кўриб қўйсалар бўларди. Уюшманинг йўловчилар ташишни ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи хонасида сақланаётган юзлаб гувоҳномалар ичида белгиланган сохта ҳуқуқларни кўриб кишининг ҳайрати ошади.

Мана, улардан баъзилари: К. П. Григорьева, Қишлоқ хўжалиги вазирлигида пахта уруғчилиги ва селекцияси бўйича хизмат қилади, гувоҳнома рақами 15. Маҳбуба Каримованинг вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан берилган 45 рақамли, Валерий Гавриленкога Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот ва меҳнат бошқармаси тақдим этган 2345 рақамли, Захар Никифоровга Петров номидаги республика мусиқа интернат-мактаби томонидан, Пётр Громовга Тошкент шаҳар автоҳаваскорлар жамияти томонидан берилган 172-рақамли гувоҳномаларда айнан ўша — аслида йўқ «ҳуқуқлар» ёзиб қўйилган. Бунга албатта кимдир жавоб бериши керак. Умуман, ўша юзлаб «книжка» соҳиблари негадир ойлаб гувоҳномаларсиз юрибдилар. Нега уларни ҳеч ким сўрамайди, суриштирмайди? Шунчасининг ўрнига янгиси берилиб кетаверилмаса керак, ахир.

Нафақадаги, олайлик, кам таъминланган, кекса кишиларни бир қадар тушунса бўлар. Аммо, Тошкент Давлат аграр университетининг табиатни муҳофаза қилиш кафедраси доценти, хорижий талабалар бўлими декани Раиса Зверьева, шаҳар ҳокимлиги маҳкамасининг халқ таълими бошқармаси ходими О. Муродов, Яккасарой тумани суди гувоҳномасини тақдим этган С. Амерсентов, Бектемир тумани ижроия қўмитаси умумий бўлим мудири бошлиғи Клара Умарова кабиларга бундай юриш уят дегимиз келади. Қоп-қоп гувоҳнома эгалари ичида бундай юртдошларимизнинг жуда кўпчилигига дуч келиш мумкин.

Биз чиққан куни эрталаб икки соат ичида ўттиздан ортиқ гувоҳномалар текширувчилар жамламасига қўшилди.

— Бугун «ови»миз унча юришмагани бу, — дейди бошқарма бошлиғи Каримулло Ғуломов. — Ўтган сафар биргина «Олой» бозори бекатида икки соатда 60 тага яқин(!) гувоҳнома йиғилганди.

Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Қолаверса, яхши отга бир қамчи, дейдилар. Шундан-да «Тошшаҳарйўловчитранс»да сақланаётган юзлаб гувоҳнома эгаларини номма-ном келтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Хизмат-ку беминнат...



Паттаси-чи?..

Суратларни Солижон ЗОИРОВ олган.

ДАВЛАТ ДУМАСИ ИШ БОШЛАДИ

Россия Давлат думаси 16 январь куни янги тартибда уз ишини бошлади. Биринчи йиғилишга 450 нафар депутатдан 440 нафари қатнашди. РФКП янги Думада 158 овозга, «Россия бизнинг уйимиз» жамоатчилик ҳаракати 55, РЛДП 51, «Яблоко» эса 45 овозга эга. Биринчи йиғилишда янги Дума раисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди. РФКП бу лавозимга Геннадий Селезневни, РЛДП Владимир Жириновскийни, «Яблоко» Владимир Лукинни, мустақил депутатлардан бири эса Иван Рибкин номзодини кўрсатди. Владимир Жириновский палата раислигига уз номзодини қўймаслигини айтди. Шундан кейин депутатлар ёпиқ овоз бериш йўли билан раисни сайлашга киришдилар. Биринчи турда Геннадий Селезнев ва Иван Рибкин кўпроқ овоз тўпладилар. Лекин иккинчи овоз беришда ҳеч бир номзод 226 та овозни тўплай олмади.

Дума йиғилишининг иккинчи куни депутатлар яна парламент раисини сайлашга киришдилар. Бу гал Геннадий Селезнев кўпчилик овоз олиб, Россия Давлат думаси раиси этиб сайланди.

ҚИРОЛ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Африканинг Лесото давлати қироли 38 ёшли Мошвешве автомобиль ҳалокатига учради. У эрта тонгда ўзига тегишли чорва молларини кўриш мақсадида фермага борганди. Қайтишда автомашина қинғир-қийшиқ йўлдан чиқиб кетиб, жарликка қулаб тушди. Қирол ва унинг ҳайдовчиси ўша жойда ҳалок бўлди.

Дарвоқе, Лесото давлати ҳар томондан Жанубий Африка Республикаси ҳудуди билан чегарадош. 1966 йилда Лесото мустақилликка эришгач, бу ерда конституцион монархия тузуми жорий этилди. Ҳукумат Бош вазир қўлига топширилди. Бироқ қирол бир неча бор мамлакат сиёсий ҳаётига фаол аралашиб турди. Бунинг натижасида у икки марта мамлакатдан чиқарилиб юборилиб, ўзга юртларда яшашга мажбур бўлди. Охирги марта у ўз мансабига бир йил аввал қайта тикланган эди.

Қиролнинг вафоти туфайли Лесотода миллий мотам эълон қилинди. Давлат бошлиғи мажбуриятларини вақтинча қиролича бошқариб турадиган бўлди. Қабила бошлиқлари кенгаши янги ворис номини айтгунга қадар қиролича бу вазифани бажариб туради. Айтишларича, бу лавозимга марҳум қиролнинг катта ўғли шаҳзода Мохато номзоди кўрсатилади.

БИТИМ ТАСДИҚЛАНДИ

Исроил кнессети (парламент) кўпчилик овоз билан Фаластин мухториётини Ғарбий Иордан дарёсигача кенгайтириш ҳақидаги битимни тасдиқлади. Утган йилнинг октябрь ойида имзоланган мазкур битим парламент томонидан ҳалигача тасдиқланмаган бўлсада, амалда бажарилаётган эди. Ушбу битимнинг кнессет томонидан тасдиқланиши эса Шарқий Қуддусдаги арабларнинг Фаластин мухториети кенгашига сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

ГАРОВДАГИЛАР БИР ҚИСМИНИНГ ТАҚДИРИ НОМАЪЛУМ

Доғистоннинг Первомайск қишлоғида Россия федерал қўшинлари билан Ж.Дудаев тарафдорлари ўртасидаги жанг якунларига кўра федерал қўшинлар 82 нафар гаровга олинган кишини озод этдилар. 18 нафар гаровдаги киши бедарак йўқолган. Бу ҳақда Кремлда журналистларга Россия Президенти Борис Ельцин федерал хавфсизлик хизмати директори Михаил Барсуков ва ички ишлар вазири Анатолий Куликовдан олган доклад маълумотларига асосланиб баёнот берди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мулоҳаза

ТЕЛЕЭКРАН ОДОБИНИ БУЗМАНГ

Оқсоқол адибимиз Асқад Мухтор Ўзбекистон телевидениеси тонгидаёқ «Телевидение яхши, аммо, одамлар телебанги бўлиб қолмаслиги керак» деган иборани қўллаганди. Йиллар ўтди. Устознинг ўринли хавотири асосли бўлиб чиқди. Бугун боғча боласидан тортиб, мункиллаган мўйсафидгача аксарияти телебанги... Вақт топди дегунча назарини хона бурчагидаги зангор ойнали қутига михлагани михлаган. Олимларнинг уқтиришича, телевидение ҳозирги замон жамоатчилиги фикрини шакллантириш, инсоният маънавий-маърифий тарбиясига мислсиз таъсир кўрсатадиган воситадир. Ҳозирги пайтда ҳар бир вилоят, ҳатто шаҳар ва туманлар ҳам ўз телестудияларига эга. Шу катта кучдан ҳамма жойда ҳам ўринли ва унумли фойдаланиляптими?

Фарғона вилоятида 8 та телестудия ишлаб турибди. Бундан ташқари, вилоят аҳолиси Тошкент телемаркази, Россия, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари телестудиялари кўрсатувларини ҳам томоша қилади. Устига устак вилоят телевизорлари қўшни Андижон ва Наманган вилоятларидан кўрсатув қабул қилади. Хуллас, ярим ҳазил ярим чин айтадиган бўлсак, телебангилик учун шарт-шароит тахт. Албатта телестудияларнинг кўпайиши ижобий ҳодиса. Ахир улар тарихимиз, миллий қадриятларимиз, бугунги куннинг долзарб муаммоларига бағишланган кўрсатувларни кўпайтиришса, бунинг нимаси ёмон?

Бироқ, тижорат студиялари фаолиятига хос рекламабозлик, даромад ортидан қувиб телекўрсатувларнинг мазмун ва сифат мундарижасини назардан қочириш ҳоллари мавжуд. Яқинда «Фарғона ҳақиқати» вилоят газетаси шаҳардаги «Олтин водий» телестудиясида берилган инсоннинг ахлоқий поклиги хусусидаги кўрсатувда... ўзи заҳм касалига учраган одамнинг поклик хусусида узундан-узоқ маърузасини танқид қилди. Яна бир студия эса қўни-қўшниларга отнинг қашқасидай танилгиг, ахлоқий бузуқ қўшмачи бир аёл суратини экранда намойиш этиб, унинг шаънига ҳамду сано ўқиди. Машҳур ҳофиз шу аёлнинг туғилган кунига бағишлаб қўшиқ айтди. Ажабо, бу табрик телекўрсатувларини кўрган, ўша аёлни яхши билган бокира қизлар, опа-сингил, кексаларимиз қандай уйга боришди экан?

Чиндан ҳам Фарғона, шунингдек, қўшни Андижон ва Намангандаги қатор телестудиялар ўз вақтларининг бир қисмини табрикларга бағишлаяпти. Умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган, эл-юртга хизмати сингган оддий ишчи, деҳқон, зиёлиларнинг туғилган кунлари муносабати билан улар ҳақида уюштирилган жонли, мароқли кўрсатувлар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бундан дил тиниқлашади. Афсуски юқоридаги студиялардан берилаётган телетабрикларнинг аксарияти икки томчи сувдай ўхшаш, сийқа. Гоҳ она икки яшар гўдагини алқайди, гоҳ эр хотинини туғилган куни билан табриклайди. Баъзан буларни эшитиб одамнинг ғаши келади. Айтайлик, эр хотинини 25 ёшга тўлиши муносабати билан телевизор орқали табриклаяпти. Хўп, жуфти ҳалолинг чорак асрни яшапти. Умри узун бўлсин. Қўлига совға тутқаз, дўст-ёрлар учун дастурхон тузат. Лекин «Хотиним 25 ёшга кирди» дея ўн миллионлик водий аҳолиси қулоғига бонг уриш шартми? Албатта, телетабриклар тижорат студиялари учун муҳим даромад манбаи. Аммо уларни ранг-баранг, мазмунли қилиб тайёрлаш муҳим эмасми? Ахир телеэкран ҳам худди саҳнадай қутлуғ жой эканлигини эсдан чиқармайлик.

Катта аудиторияга эга бўлган студияларнинг ўз ҳолича халқ фикри ва диди билан ҳисоблашмай эфирга чиқаверишлари мақсадга мувофиқмикин? Андижон ёшлар телевидениеси Ғарбнинг ҳаёсиз, алмойи-алжойи, шарқона одоб, ёшлар тарбиясига хизмат қилмайдиган қўшиқ ва рақсларини кўп намойиш этаётир. Бу эса одамларнинг норозилигига сабаб бўлаяпти. Водийдаги деярли барча телестудияларнинг кинодастурларида Ғарбнинг олди-қочди, ур-сур, бадиий савияси паст фильмлари кенг ўрин олаётгани ҳам ташвишланарлидир. Бундай фильмларнинг меъёридан ортиқ намойиш этилиши ёш авлодда зўрлик, шафқатсизлик, қўпол жисмоний кучгина ҳаётдаги асосий нарса, инсоннинг маънавий дунёси эса иккиламчи, аҳамиятсиз ҳол, деган даҳшатли тушунчани шакллантиришга хизмат қилишини ёддан чиқармайлик.

Рўй-рост айтиш керакки, водийдаги бодраб чиққан телестудияларнинг дастурлари мазмун ва сифати, ғоявий-бадиий савияси жамоатчилик назоратидан четда қолмаслиги даркор. Яқинда Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов йиғилишлардан бирида «Вилоятимизда телестудиялар ташкил этишда сон кетидан қувиб, сифатни эсдан чиқариб қўяётганга ўхшаймиз. Бир-бирига ўхшаш кўрсатувлар гоҳ Қўқондан, гоҳ Марғилондан, гоҳ Фарғонадан берилаётгани кишини ҳайрон қолдираяпти. Бундай аҳвол эса тижорат студиялари ишини мувофиқлаштириш масаласини зудлик билан кўриб чиқилишини тақозо этмоқда» деган ҳақли мулоҳазани ўртага ташлади. Жуда ўринли гап. Давр шуни талаб этяпти.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УСТОЗ ОТАНГДАН УЛУҒ

Қадриятларимиз



— Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди, — деб хотирлайди уста Махмуд ота Усмонов. — Уруш йиллари. Заводда ишлаб юрардим. Нима бўлдию, ёшлардан бир гуруҳини Сталинградда вайрон бўлган биноларни таъмирлашга жўнатадиган бўлиб қолишди. Тўғри, Бешёғочга Муқимий театри қурилишига йўл олдим. Отам билан Уста Ширин бино пештоқини пардозлаётган эканлар. Бор гапни тушунтирдим. Шу пайт бир неча енгил машина қурилиш майдонига келиб тўхтади. «Ия, Усмон Юсупов ташриф буюрдилару», деб Уста Ширин у кишининг ҳузурларига чоғландилар. Мен бир чеккада уларнинг ҳаракатларини кузатиб, сўзларига қулоқ солиб турардим. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ишларнинг кетиши ҳақида фикрлашиб олишар экан, гап орасида Уста Ширин, «Уста Усмоннинг ўғилларининг қўлидан иш келиб қолган. Бизга асқотиши мумкин. Шу десангиз, Маҳмуджонни ҳам Сталинградга сафарбар қилишаётган экан...» Усмон Юсупов одамлардан бирини чақириб, нималарнидир тайинлади. Мен эса устозлар сафида ишга киришиб кетдим.

Ажиб нақшинкор уста Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмуд Усмоновнинг ҳаётидан олинган кичик бир лавҳада унинг устоз кўрганлиги, иқтидорининг эътирофи намоён. Устанинг меҳнатлари бугунги кунда Навоий номли, Муқимий номли театрлар, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ҳамза театри, «Туркистон» ва Халқлар дўстлиги саройларининг бетакрор безакларида ўз ифодасини топган. У кишининг юзлаб шогирдлари эса устанинг изидан бориб халқимизнинг азалий қадриятларининг барҳаётлиги йўлида саъй-ҳаракатлар қилишмоқда.

Уста Маҳмуд яна бир савобли ишга қўл урди. У юртимизда довруғ таратган усталар Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, Усмон Икромов, Акрам Умаров, бўёқчи усталардан Ёқубжон Раупов, Жалил Ҳакимов, Муҳиддин Раҳимов, ёғоч ўймакорлари Сулаймон ҳожи ота, Мақсуд Қосимов, Қодиржон Ҳайдаров каби ўнлаб устодларининг руҳларини шод этиш мақсадида учрашув ташкил қилди. Бир пиёла чой баҳона давра атрофида шогирдлар тўпландилар. Даврани санъатшунос Тилаб Маҳмудов бошқарди. Шоир Абдулла Орипов, фахрийлардан Толиб Содиқов, қаҳрамон-рассом Самиғ Абдуллаев ва бошқалар дил сўзларини айтдилар. «Усто» бирлашмасининг аъзолари Маҳмуд Усмоновнинг шогирдларидан Мўмин Султонов, Абдураҳим Умаров, Фахриддин Ҳамзаев, Мирвоҳид Усмонов, Муҳаммаджон Пўлатов каби юзлаб ёшлар бобокалонлари номларини ёд этиб, азалий анъаналарни давом эттиришга сўз бериб, дуога қўл очдилар.

Юртбошимиз Уста Маҳмуд Усмоновнинг 85 ёши муносабати билан йўллаган табригида: «Сизнинг фидойи меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингиз, келажаги буюк давлатимизнинг ёш авлодига ҳамиша ибратдир»деган сўзлар бор эди. Ҳа, оталар йўлини тутган фарзандлар Ватан фаровонлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилишяпти.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ТОВЛАМАЧИ МЕЛИСАЛАР

Бурноғи йилнинг ёзида фарғоналик деҳқонлар Р.Аҳмаджонов, А.Каримов, Ф.Акбаров, Ғ.Мирзаевлар поездда Самарқандга 8 қути шафтоли олиб келишади. Ўз томорқаларида етиштирган бўлишига қарамасдан, вокзалда транспорт милицияси ходимлари С.Фузайлов ва Қ.Давронов «Маҳсулотни ноқонуний келтиргансанлар» деб меҳмонлардан мўмай даромад ундирмоқчи бўлиб қолишади.

— Мен ҳеч нарсани билмайман, 200 минг сўм-купон берсангизлар, тегиш йўқ, бўлмаса маҳсулотни коопторгга топшириб юбораман, — дейди Қ.Давронов.

Гап топширишга борганда форма кийганларнинг қўли «устун» келади. Улардан шахсини аниқловчи ҳужжатларини олиб қўйишади. Боз устига қамаш ҳақида дўқ-пўписа қилишади. На илож, қонун эгалари бўлгандан кейин нима ҳам қилардинг?

Хуллас, Қ. Давронов ҳалиги кишиларнинг шахсий ҳужжатларини қонунга хилоф равишда тортиб олади ва навбатчи Э.Раимовга бериб: «Агар бирор нарса ташлаб кетишмаса, берма», деб тайинлайди.

Деҳқонлар маҳсулотни бозорда сотиб бўлишгач, яна ички ишлар бўлимига келишади. Навбатчи Э.Раимов: «Ҳужжатлар менда, лекин ваъда қилинган пулни бермасаларингиз, уларни қайтармайман», дейди. Мусофирликни тан олган кишилар бир амаллаб (чунки сотган нарсалари бориб-келишни зўрға қопларди) 150 минг сўм-купонни йиғиб, Э.Раимовга беришади. Аммо ана шу пайтда милиция тезкор ходимлари товламачиларни қўлга туширади.

Қизиғи шундаки, қўли нопок милиция ходимлари ўзларини оқлаш учун барча чораларни кўришди. Иш чўзилгандан чўзилди. Айбдорлар, бир-бирининг устига лойқа сув ағдаришди, айбларидан тонишди. Аммо келтирилган далиллар, гувоҳларнинг сўзлари масалага ойдинлик киритди.

Самарқанд шаҳар суди товламачилар — транспорт ички ишлар бўлими навбатчиси Эргаш Раимовга 6 ой муддатли қамоқ жазосини берди, тезкор бўлим ходими Қаҳрамон Давронов эса 3 йилга озодликдан маҳрум этилди ва мол-мулки мусодара қилинди.

Ўз хизматини ҳалол-покиза ижро этаётган ички ишлар ходимлари бундай қўли нопок ҳамкасблари тақдиридан тўғри хулоса чиқарарлар.

ГИППОКРАТ КЕЧИРАРМИКИН?

Даволовчи врач Зинора Очилова, навбатчи Темир Раҳматов, реанимация бўлими мудири Шокир Мўминов ҳамда шу бўлим шифокори Холмирза Товмуродовларнинг масъулиятсизлиги, тиббий хизматни ўз вақтида кўрсатмаганликлари туфайли Гулнора ва Фарангиз исмли ёш қизалоқлар ҳаётдан бевақт кўз юмдилар.

Бу воқеа Самарқанддаги 1-болалар юқумли касалликлари шифохонасида рўй берди. Ота бечора барча дори-дармонларни ўз пулига топиб келди. Аммо шифокорлар даволаш ишларини ўз вақтида амалга оширмадилар. Ҳатто гўдакларни реанимацияга ўтказишганда ҳам эътибор қилмадилар.

Самарқанд вилояти ортопедия-жарроҳлик касалхонаси врачи Жаҳон Ҳайдаровнинг ҳаракати ҳам Гиппократ қасамига мутлақо хиёнатдир. Ҳарбий хизматга чақирилган Анвар Каримов мурожаат қилганида бу дўхтир унга «ўнг қўл билак суяги синган ва чап қўл билаги жароҳатланган» деб ташҳис қўяди ва қўлини гипс билан боғлайди. Бу ҳодиса «Бриллиант қўл» киносидаги воқеага ўхшаб кетади. Чунки қайта текширилганда ҳарбий хизматга чақирилувчининг қўли умуман жароҳатланмаганлиги маълум бўлди. Демак, у ташҳис қўйишда бошқа мақсадларни кўзлаган.

Самарқанд тиббиёт институти 2-клиникаси урология бўлими врачи Баҳром Эшмуродов эса шу бўлимда даволанаётган К.Самандаровга «қарагани» учун унинг қизи Насибадан минг сўм пул таъма қилган. Бундан ташқари, операция қилиш учун беморнинг қариндошларидан 20 метр дока ва 3700 сўм пул олган.

Инсон дардга чалинса, шифохонадаги ҳар бир оқ халат кийган кишидан нажот истайди. Хўш, ана шу шифокорларнинг ўзи беморга таъма билан қараса, у нима қилсин?!

Қолаверса, тиббиётда деярли барча касалликни даволаш мумкин. Хўш, айрим қўли нопоклар қолдирган қалб ярасини ким даволайди?

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 22

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
*
8.00—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 2-қисм.
9.15 «Ибратли умр». Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова.
10.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Той бола».
10.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
11.25 «Ишбилармон».
11.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
12.25 «Юксалиш йўлида».
12.40—14.00 «Алёшканинг севгиси». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 «Ҳумо». Эшқобил Шукуровнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳумо» туркум кўрсатувининг давоми.
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 3-қисм.
22.15 «Ҳумо» туркум кўрсатувининг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати. Финал.
ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 «Постфактум».
19.15 «Фармед».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 «Уфқлар».
21.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Галерея бўйлаб», «Баҳор» Сингапурда». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Кўзмунчоқ».
20.30 «Янги иқтисод».
21.05 «Дарсга қўнғироқ».
21.35 «5+1».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Утмишсиз келажак йўқ».
22.40 «Балет — муҳаббатим менинг». Бернора Қориева.
23.15 «Спорт-тайм».
23.45—01.35 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.

СЕШАНБА, 23

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 3-қисм.
9.15 Бокс. Ўзбекистон чемпионати. Финал.
10.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Унутилган ўйинлар».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Она тили.
11.00 Немис тили.
11.30 Тасвирий санъат.
*
12.00 «Келажакка ташланган назар».
12.20 «Гўзал рақсга тушади».
12.40—14.05 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Санъат ғунчалари».
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Қимматли қоғозлар бозори».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Инсон ва қонун».
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 4-қисм.
22.05 «Санъатим — бахтим». Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаеванинг ижодий кечаси.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.25 «Сумбула». Муҳриддин Ҳолиқов куйлайди.
ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес уик».
20.05 «Мусиқий йўлка».
20.15 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинонигоҳ».
23.00—24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбекистоннинг сержило тошлари», «Хотира». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
*
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 «Палитра».
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Саломатлик — туман бойлик».
22.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.45—01.15 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 24

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 4-қисм.
9.10 «Санъатим — бахтим». Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаеванинг ижодий кечаси.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 Инглиз тили.
12.00 Урганч шаҳар Мадраҳим Ёқубов Шерозий номидаги 1- Маданият уйи мақом ансамблининг концерти.
12.45 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
13.25 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин».
13.55—15.10 «Шимол ёғдусини ёқинг». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ғаройиб пойга». Болалар учун қўғирчоқ театр.
18.45 «Аёл борки, олам мунаввар...».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Навоий дунёси». Навоий ижодида карам ва саховат мавзуи.
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 5-қисм.
22.10 «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
22.45 «Ижодкор портретига чизгилар». Собир Саидовни эслаб...
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.50 «Иқбол». Қизлар танлов дастури.
ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер—Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гопи», «Шаҳрисабз». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Табиат дунёси».
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ҳаёт ташвишлари». Бадиий фильм.
21.25 «Тошкент оқшомида».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Алламбало».
22.50 «02» тўлқинида».
23.15 — 01.15 Мустафо Бафоев. «Умар Хайём». Опера.

ПАЙШАНБА, 25

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 5-қисм.
9.10 «Таллимаржон тулкинлари».
9.30 «Нурли сиймолар». Кинодастур.
10.00 «Оламни асранг».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Иқбол». Қизлар танлов дастури.
12.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.30 «Тараннум». Мусиқий дастур.
13.05— 15.05 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инсон ва шер». Мультфильм.
18.20 «Изланишлар қанотида».
18.50 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус. тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Машраб ғазаллари билан айтиладиган ашулалар.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 6-қисм.
22.15 «Армонли дунё». Улмас Умарбеков.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.30 «Оила».
ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Хай Фай» (Юқори сифат).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Сизнинг услуб».
21.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 —00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Арслонбоб», «Афшона — Ибн Сино ватани». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30—00.10 «Салом, Ҳиндистон!» Кинопрограмма.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Подиум».
21.10 «Дорихона эшитади...» Бевосита мулоқот.
21.50 Эълонлар.
21.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.55 «Истеъдодлар ва мухлислар».
23.35 — 01.05 «Кинематограф».

ЖУМА, 26

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллоллоҳ». 2-фасл. 6-қисм.
9.10 «Армонли дунё». Ўлмас Умарбеков.
10.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ўлкамизда қиш».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Ёшлар ва замон».
12.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
13.10 — 14.25 «Каниют сири». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ҳаёт ва қонун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Маърифатнома».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллоллоҳ». 2-фасл. 7-қисм.
22.10 «Хотира». Эрка Қори.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.15 Ҳиндистоннинг миллий байрами. «Қадимий ва навқирон Ҳиндистон». Ҳужжатли фильм премьераси.
ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ривоят».
18.25 «Офарин».
19.00 «RAKS» қўшиқлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахболрот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Репортаж».
20.10 «Эртага — шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Таманно».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Умрга татигулик кун». Ҳужжатли фильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30—23.50 «Бу ажиб дунё».
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.40 «Бизнес-академия».
21.05 «Тет-а-тет».
21.30 «Уй остонадан бошланади».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Оқ соя».
22.50 «Шоҳсупа сари».
23.15 — 00.25 «Дадиллик учун юз грамм». Кинокомедия.

ШАНБА, 27

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 7-қисм.
9.10 «Замон».
9.25 «Оналар мактаби».
9.55 «Актёрлар ва роллар». Ж. Раметов.
10.55 Мамлакат футболи. Ютуқ ва камчиликлар.
12.55 «Кичкинтой» устахонаси.
13.25 Республика Ички ишлар идоралари бадиий ҳаваскорлик жамоалари кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
14.45—16.15 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Бахтиёр шаҳзода». Мультфильм.
18.20 Спорт хабарномаси.
18.30 «Сарҳисоб».
18.50 «Санъат олами». Георгий Брим.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус. тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Бир улуғ эл бор жаҳонда». Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев.
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 8-қисм.
22.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.
ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Автосалон».
9.45 «Хай Фай» (Юқори сифат).
10.00 «Сизнинг услуб».
10.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.45 «Эм-ТИ-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 «Кинонигоҳ».
12.45—13.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Совға».
18.30 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 — 23.55 Видео— «О».
ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши.
17.55 «Зарипов чавандозлари». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Болеро». Гули Ҳамраева иштирокида ҳужжатли фильм.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Дўстим Тиманчи». Болалар учун фильм.
11.10 Эълонлар.
11.15 «Глобус».
11.55 «Мюзик-холл».
12.25 «Миниатюралар». Телефильм.
12.55 Камер куйларидан концерт.
13.25 «Нокдаун». Бадиий фильм.
14.40 «Талабалар саҳнасида».
15.40 — 16.15 «Қалбида қуёш тафти». Телефильм.
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.25 Монитор-«Осиё».
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.25 «Шаҳар уйқуга кетганда».
23.45 — 01.15 «Кинематограф».

ЯКШАНБА, 28

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 8-қисм.
11.40 «Хазон бўлган ёшлигим». Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли.
13.10 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.40 — 15.40 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйла! Изла! Топ!»
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Италия таассуротлари». 1-кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Асқад Мухтор. «Умр». Адабий кўрсатув.
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 9-қисм.
22.05 «Олтин қанот қушлар учсин». «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг ташкил этилган кунига бағишланади.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.30 «Минтақа кино санъати».
ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Олам». Маърифий кўрсатув.
9.45 «Оҳанглар оғушида».
9.55 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.55 «Имкон чўққилари».
11.15 «Кўнгил».
11.40 Видео янгиликлари.
12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 Видео — «О».
13.15—14.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 «LEGO». Болалар учун дастур.
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Илҳом сатрлари».
21.10 «Фармед».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».
ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Уйинчоқ», «Рангтасвир табассуми». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.25—22.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25—23.50 «Панорама» (рус тилида).
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 Менинг кучам».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Жонли сайёра».
12.55 «Дарвоқе».
13.25 «Эсдалик учун дастхат».
13.50 «Ўрмон рапсодияси», «Брянск ярмаркаси». Телефильмлар.
14.35—16.00 «Аэропорт ҳаёти». Бадиий фильм.
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Ҳамшаҳарлар таклиф этади».
21.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 «Бу ажиб дунё».
22.30 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
23.30 — 01.00 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм.

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ

РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума савма шаҳри рамазана минал фажри илал мағриби холисан лиллаҳи Таала. Аллоҳу акбар.

Маъноси: Аллоҳ таоло учун ихлосим бирла рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу акбар.

САҲАРЛИК ВА ИФТОРЛИК ТАҚВИМИ

Кун	Ҳафта	Саҳарлик	Ифторлик	Кун	Ҳафта	Саҳарлик	Ифторлик
		ЯНВАРЬ					
21	якшанба	6.03	17.24	26	жума	6.00	17.31
22	душанба	6.03	17.25	27	шанба	5.59	17.32
23	сешанба	6.02	17.26	28	якшанба	5.58	17.33
24	чоршанба	6.01	17.27	29	душанба	5.58	17.34
25	пайшанба	6.01	17.29	30	сешанба	5.57	17.35
				31	чоршанба	5.56	17.36
		ФЕВРАЛЬ					
1	пайшанба	5.55	17.37	10	шанба	5.45	17.49
2	жума	5.54	17.38	11	якшанба	5.44	17.51
3	шанба	5.53	17.40	12	душанба	5.42	17.52
4	якшанба	5.52	17.41	13	сешанба	5.41	17.53
5	душанба	5.51	17.42	14	чоршанба	5.40	17.54
6	сешанба	5.50	17.43	15	пайшанба	5.38	17.56
7	чоршанба	5.48	17.45	16	жума	5.37	17.57
8	пайшанба	5.47	17.47	17	шанба	5.36	17.57
9	жума	5.46	17.48	18	якшанба	5.34	17.58
				19	душанба	5.33	17.59

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва аъла ризқиқа афтарту, фағфирли Ё, Ғаффору ма қаддамту ва ма аххарту.

Маъноси: *Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга иймон келтирдим ва сенга таваккал қилдим ва сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй, гуноҳкорларни афв қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағрифат қилгил ва ярлақил.*

«ИЙМОН» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Аввал қуйидаги нашрлардан келтирилган ҳикматларда яширинган сўзларни топиб оч-қични ҳал этинг.

I. «Амир Темур ўгитлари» дан:

«Иймон — ул инсонни барча, жонлилардан фарқлантириб турувчи хусусиятдир. Иймонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг орномусини 6,18,5,7,20 қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади».

2. Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» идан:

«Рўза тутиб, номоз 17,25,1,23, тавба қилган.

Саҳар туруб Аллоҳ тею қуллуқ қилган.

Машойиҳлар хизматини тамом қилган.

Ондоғ қўллар Ҳақ 10,18,16,10,7,2,18,11 кўрар эмиш».

3. «Луқмони ҳакимнинг азиз фарзандига қилган юз насиҳатидан»:

«Эй фарзандим, 1,9, 1,21 ва қудратли яратувчини тани».

4. Улуғ аллома Абу-л-Қосим Маҳмуд Аз-Замаҳшарийнинг «Нозик иборалари» дан:

«Аллоҳ таолодан астойдил 18,1,8,18,15,7 билан ўтиниб сўраган кимсанинг нидоси сира ноумид қолмайди».

5. Сулаймон Бақирғонийнинг «Бақирғон китоби»дан:

«Номоз, рўза, товба бирла борғонларга.

Ҳақ йўлига 19,18,2,18,23 қадам қўйғонларга.

Ушбу йўлда жонин фидо қилғонларга.

Ёрлақонмиш қуллар бирла суҳбати бор.

Намоз рўза сани ўтдин юлар,

Олам халқи сани 3,13,14,1,23. Ҳақдин тилар».

6. Шоир Абдулла Ориповнинг «Муборак ҳаж йўлларида китобидаги «Рўза» шеъридан:

«Рўзадан чиққанлар, сизга ҳам раҳмат,

24,12,2,4,18,11,22,18,4 синовли саодат эрур.

Расулуллоҳ демиш: — сабр қил уммат,

Мўминлик белгиси қаноат эрур».

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сўзлардаги мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммомани ҳал этинг. Бунда улуғ ўзбек мумтоз шоири Мир Алишер Навоий рўзанинг инсон саломатлиги учун зарур аҳамияти мадҳ этилган тўртлик ва шу ҳикмат баён этилган нодир асар номини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ

"СУВЖИҲОЗГАЗ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

СУВ ВА ГАЗ УЧУН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ ХЎЖАЛИК ВА САНОАТ СЧЁТЧИКЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК КЎП ВАЗИФАНИ БАЖАРА ОЛАДИГАН УНИВЕРСАЛ ГАЗ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ АППАРАТЛАРИНИ СОТАДИ.

Бу аппарат электр пайвандлаш, шунингдек, газ билан пайвандлаш аппаратларининг ўрнини бемалол босади.

У 220 Vдан 380 V гача кучланишли электр қувватида ишлайди. Бу энг қулай ва бир жойда туриб бажариладиган ҳамда кўчма шароитлардаги пайвандлаш ишларида энг универсал аппарат ҳисобланади. Пайвандлаш ишларида 1,5-5 мм. диаметргача бўлган турли электродлардан фойдаланса бўлади.

Бу аппарат ёрдамида турли ёриқларни аниқ пайвандлаш ва ҳар хил пўлатларни, углеродли, зангламайдиган, паст легирланган пўлатларни ва чўянни пайвандлаш мумкин. Электр қуввати эса пайвандланаётган материалнинг ва электроднинг тегишли нуқтаси ва диаметрига қараб кўпроқ ёки камроқ даражада сарфланади. Шу билан бирга газ пайвандлаш аппаратидан фойдаланиш жараёнида турли-туман рангли металларни ҳамда турли пластмасса (челак, тоғора, қувур ва ҳоказо) буюмларни паст даражада пайвандлашда фойдаланиш имконияти бор.

Аланганинг иссиқлик даражасини юқорига кўтариш ёки пастга туширишни бошқариб туриш мумкин.Бу усулда электр пайвандлаш электр қувватини 40 фоизга тежаш имкониятини беради. Газ пайвандлаш эса одатдаги газ пайвандлаш аппаратларига нисбатан хом ашёни 55 фоизга тежайди.

ТЕХНИК ХУСУСИЯТЛАРИ:
Ишга киришиш кучланиши: 380/220V.
Фойдаланишда ишлатиладиган ёнилғи: А76/А93 бензин
Пайвандлаш миқдори: енгил эрийдиган буюмлар ва пластмассаларни пайвандлаш.
Бензин сарфи: 0,125кг/соат
Электр қуввати сарфи: 30 В/соат
Сарф этилаётган иссиқлик: 1000 даража С
Электр қувватини бошқариш чегараси: 70/160А.
Эркин ҳаракат кучланиши: 50 V
Давомийлиги: (фоиз) 100(70А)
60 (100А)
60 (160А)
60 (160)
Ишлаш пайтидаги кучланиш: 22V/26V
Пайвандлаш учун энг кам электр токи миқдори: 125А.
Энг кам миқдордаги қувват сарфи: 3 KW.
Ҳажми кичик, оғирлиги — 20 кг.

Таъминотчи: Ўзбекистон — Хитой "Сувжиҳозгаз" қўшма корхонаси.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Воровский кўчаси, 26-уй. Телефонлар: 96-70-94, 96-53-71.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

15 ФЕВРАЛДАН 6 МАРТГАЧА ФАҚАТ ЙИГИРМА КУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ
ЮЛДУЗЛАРИ — ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ
ИККИ БЎЛИМЛИ РАНГ-БАРАНГ ДАСТУРЛИ
ТОМОШАЛАРИДА
акробатика, гимнастика, эквилибристлик мувозанати ва жонглёрлик санъатида жаҳоншумул ютуқларга эришган артистлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР ИШ КУНЛАРИ СОАТ 18.00 ДА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ 12.00, 15.00 ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ЧИПТАЛАРНИ БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИНГ.
ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

"ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ"

Республика акционерлик бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 22 декабрь 15-1-141 сон баённомаси билан Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган *"РОЙАЛ"* назорат-касса машиналарини хўжалик шаклидан қатъий назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун тақдим этади.

Машинанинг нархи 230 АҚШ доллари, (сотилаётган кундаги курс қийматида) Ўзбекистон Республикаси сўмларига, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент шаҳри, "Янги-Обод" даҳаси, "Тол-Арик" кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119.
"Янги-Обод" шоҳбекати.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ўзпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмаси томонидан муомалага чиқарилган

1. ПС-001-серияли ва қуйидаги рақамли

0046946-25 000 сўм
0046928-25 000 сўм
0054523-25 000 сўм
0046945-25 000 сўм
0054748-25 000 сўм
0046941-25 000 сўм
0046936-25 000 сўм
0046937-25 000 сўм
0079516-10 000 сўм
0079517-10 000 сўм
0004827-10 000 сўм
0058542-10 000 сўм
0058977-10 000 сўм

2. 5- серияли ва қуйидаги рақамли

020175-500 000 сўм
017244-500 000 сўм
022725-500 000 сўм
017315-500 000 сўм
017249-500 000 сўм
020770- 500 000 сўм
016128-500 000 сўм
022950-50 000 сўм
022695-50 000 сўм
018082-50 000 сўм
018070-100 000 сўм

умумий суммаси 4 000 000 сўмлик векселларни йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Ушбу векселлар барча тўловлар учун қабул қилинмасин!

ИАТ "ПАХТА-БАНКИ" БОШҚАРУВИ.

КОНТРАЦЕПЦИЯ (ИСТАЛМАГАН ҲОМИЛАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) ВОСИТАЛАРИ- БУТУН ЖАҲОНДАГИ МИЛЛИОНЛАБ АЁЛЛАР УЛАРГА ИШОНАДИЛАР.

ФАРЗАНДЛАР ТУҒИЛИШИ ЎРТАСИДАГИ ОРАЛИҚҚА РИОЯ ЭТИШ УЧУН ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХОҲЛОВЧИ ОИЛАЛАР УЧУН.

Қуйидаги компаниялар "Қизил олма" рамзи бўлган дорихоналарда сотилаётган замонавий контрацептивлар (исталмаган ҳомиланинг олдини олиш воситалари) мавжудлигини таъминладилар
"Дори-дармон" Тошкент, М. Мирзапўлатов кўчаси, 1 Тел. 48-27-74, 42-32-81
"Ўзбекистон-Иверсон ЛТД" Тошкент, Фурқат кўчаси, 1 Тел. 45-12-49
"Фармед", 700132, Тошкент, Ибрат кўчаси, 1 Тел. 47-98-90, 47-98-94
"Жўрабек" Тошкент, Олмазор даҳаси, 165 Тел 45-60-40,45-41-46
"Қизил олма" дастури бўйича маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳақидаги бундан кейинги ахборотларни олиш учун қуйидаги телефонлар бўйича кўнғирок қилинг: "Шеринг", Тошкент, С. Азимов кўчаси, 65 Тел. 36-34-24, 33-37-30
"Апджон" Тел.: 35-45-18
"Эджзаджибаши" Тел. 78-56-51
"Органон" Тел. 46-74-05
Батафсил ахборотларни олиш учун номлари юқорида келтирилган фармацевтика компанияларига ёки "Қизил олма" дастури офисига: **78-41-43 телефони бўйича** кўнғирок қилинг.

ТАШКИЛОТ

Швейцарияда ишлаб чиқарилган
"Пассап электроник-600"
трикотаж тўқув ускуналарини
СОТАДИ.
Тўлов шакли: пул ўтказиш йўли билан, вексел ёки нақд пулга.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Усмонов кўчаси, 6-проезд, 71-уй.
Телефон: 74-76-26.

CUKURS - BIZNESS ТАКЛИФ
ЦУКУРС - БИЗНЕС ҚИЛАДИ:

Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз,
СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий)кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар:(3712) 60-04-17, 34-05-07, 34-00-98.

БУНИНГ УЧУН ФАҚАТ КЎНҒИРОҒИНГИЗ КИФОЯ!

ФИРМА

Тошкент лак-бўёқ заводида ишлаб чиқарилган ҳар турдаги лак-бўёқ маҳсулотларни, турли рангдаги эмалларни;

Ярославлда ишлаб чиқарилган «Хўл асфальт» рангидаги МЛ-12 автоэмалларни;

Россияда ишлаб чиқарилган 40 мм. дан 80 мм. гача бўлган михларни,

КамАЗ, МАЗ, РАФ русмидаги автомобилларга ҳамда 0,22-0,25 мм.ли тунука, 08КП х/к 1250х2500х0,9 мм. ли пўлат листларга

АЛМАШТИРАДИ.
ТЕЛЕФОНЛАР: 41-44-20, 41-55-24.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 03.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22. 20.

1 2 3 4 5 6.